КУТУБХОНАСИ

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 11 (10.316) / 2005 ЙИЛ 14 ЯНВАРЬ

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Сиз, азизларни, ўзини она юрт ҳимоясидек олижаноб ишга бағишлаган барча инсонларни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – Ватан ҳимоячилари куни билан муборакбод этиш менга катта мамнуният етказади.

Биз мустақил тараққиётимизнинг тарихан қисқа даврида очиқ демократик давлат қуриш, жамиятни янгилаш, одамларимизнинг муносиб ҳаёт кечириши ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган эркин иқтисодиётни барпо этиш борасида салмоқли йўлни босиб ўтдик.

Истиқлолимизнинг биринчи кунларидан бошлаб биз замон талабларига жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукаммал, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга бўлган миллий армияни шакллантиришгина ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш, халқимизнинг тинчлиги, хавфсизлиги ва осойишталигини, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш имконини беришини ўзимизга аниқ англаб олдик.

Шу давр мобайнида юртимизда ихчам, замонавий, ҳар қандай синовларни енгиб ўтишга қодир, бутунлай янгича асосларда ташкил этилган ва стратегик мақсадларимизга мос келадиган Қуролли Кучларимизни яратиш бўйича ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган, узоқни кўзлайдиган улкан ишлар амалга оширилди.

Қуролли Кучларимизни барпо этиш ва ташкил қилишнинг мутлақо янги концепцияси ишлаб чиқилди ва ҳаётга изчиллик билан жорий этилмоқда, муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди, ҳар томонлама таъминланган нуфузли сержантлар мактабларининг фаолияти йўлга қўйилди, амалда ўзини оқлаган, сафларида минг-минглаб ёшларимиз ўз йигитлик бурчини ўтаётган сафарбарлик-чақирув резерв хизмати ташкил этилди.

Энг муҳими, халқимизнинг армияга бўлган муносабати тубдан ўзгарди, Қуролли Кучларнинг жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётидаги роли, ўрни ва моҳияти мўстаҳкамланди, уларнинг молиявий таъминоти сезиларли даражада яхшиланмоқда.

Армиямизнинг бугуни ва келажагини ўйлаб қилаётган барча ишларимизнинг натижаси ва якуни сифатида **ҳарбий хизмат сўзда эмас, балки амалда кун сайин обрў-эътиборли касбга айланиб бормоқда.** Ва бугун биз бу ҳақда ғурур ва ифтихор билан гапиришга ҳақлимиз. Ҳозирги кунда дунёда бизнинг юртимиздаги каби муддатли хизматга чақирув ва шартнома-контракт бўйича хизмат танлов асосида ўтадиган мамлакатнинг ўзини топиш қийин.

Бугун Қуролли Кучларимиз сафларида она-Ватанимиз манфаатларига садоқатли, сарҳадларимизни, муқаддас заминимиздаги тинч ва осойишта ҳаётни кўз қорачиғидек асраш каби шарафли бурчни ўз зиммасига олган энг муносиб ўғил-қизларимиз хизмат қилмоқда.

Қадрли ватандошларим!

Ҳозирги таҳликали замонда биз қандай мураккаб вазиятда яшаётганимизни, инсонийлик қиёфасини тамоман йўқотган халқаро терроризм балоси минтақамиз ва бутун дунё учун қандай таҳдид, қандай хавф-хатар туғдираётганини барчамиз яхши англаймиз. Бундай ҳолатда доимо ҳушёрлик ва огоҳликни сақлаш, ҳар биримиз учун ўз уйимизни, она Ўзбекистонимиздаги тинчлик ва барқарорликни асраш ва ҳимоя қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз ва бутун минтақа хавфсизлигига таҳдидлар сақланиб турган ҳозирги шароитда бизнинг вазифамиз – Қуролли Кучларимиз салоҳиятини янада мустаҳкамлаш борасида бошлаган ишларимизни давом эттириш, бунинг учун янги имконият ва манбаларни излаб топиш ҳамда сафарбар этишдан иборатдир.

Шу мақсадларда:

**Биринчидан,** бугунги кунда мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган мавжуд хавф-хатарларни янада чуқурроқ ўрганиш ва таҳлил этишимиз лозим.

Бундай хавф-хатарларни бартараф этиш учун уларга муносиб зарба беришга қодир, бизнинг ҳудудимизга, одамлар тинчлиги ва осойишталигига зиён етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган, пухта ишлаб чиқилган стратегия ва тактикани такомиллаштириш зарур. Ва, энг аввало, халқаро террорчилар ва уларни йўллаётган марказлар томонидан содир этиладиган қуролли хуружларни бартараф этиш ва уларга олдиндан зарба беришга доимо тайёр туриш керак.

**Иккинчидан,** Қуролли Кучларнинг ташкилий тузилмаси ва бошқарувини такомиллаштириш бўйича олиб бораётган ишларимизни изчил давом эттириш лозим.

Бу борадаги ўта муҳим вазифа – эҳтимол тутилган жанговар ҳаракатлар майдонининг ўзига хос хусусият ва шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда, бутун мудофаа тизимида иштирок этадиган барча қўшин турларининг биргаликда, ўзаро мувофиқ равишда, аниқ ва қатъий ҳаракат қилишини тўла таъминлашга эришишдан иборат.

**Учинчидан,** олий ҳарбий ўқув юртлари ва сержантлар мактабларининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш ишларини охирига етказиш. Ушбу муассасаларни юксак малакали, амалий тажрибага эга бўлган офицер ва ўқитувчилар билан ҳамда биринчи навбатда энг замонавий ўқув қуроллари ва янги техника билан таъминлашни назарда тутиш даркор. Бу вазифага армиямизни профессионал асосга ўтказишнинг муҳим бўғини ва шарти сифатида ёндашиш зарур.

**Тўртинчидан,** Қуролли Кучларимизни замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан жиҳозлаш масаласига армияни ислоҳ қилишнинг ўта муҳим ва устувор вазифаси деб қараш лозим. Бунинг учун барча зарур манбаларни излаб топиш, шу жумладан, манфаатдор ҳамкор давлатлар кўрсатиши мумкин бўлган ҳарбий-техник ёрдамдан самарали фойдаланиш лозим.

**Бешинчидан,** оддий аскарлар, сержант ва офицерларнинг яшаш ва хизмат шароитларини ижтимоий-маиший нуқтаи назардан тубдан қайта кўриб чиқиш ва яхшилаш, уларнинг машаққатли ҳарбий меҳнатига тўланадиган иш ҳақи миқдорини ошириш учун қўшимча манбаларни қидириб топиш даркор.

Эски, номақбул казарма муҳитига батамом барҳам бериш, муддатли ва контракт хизмати, офицерлик ҳамда қўмондонлик таркиби хизматларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳарбий хизматчиларнинг яшаш ва дам олишлари учун муносиб шароитларни таъминлайдиган янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш вақти келди.

Ҳарбий хизматчилар учун шу йилнинг бошидан янги, янада такомиллашган ва юқори қувватли овқатланиш рациони жорий этилмоқда. Бу ўз навбатида армиямизнинг ёшларимиз учун мардлик ва ватанпарварлик мактаби бўлиш билан бирга, уларнинг жисмонан бақувват, маънавий етук бўлиб вояга етиши, умуман, жамиятимиз аъзоларининг соғлом бўлиши учун хизмат қиладиган зарур шарт-шароитларни яратиб бериш йўлида биринчи қадам бўлмоғи керак.

Бу борада менинг ўз олдимга, Қуролли Кучларимиз олдига қўядиган асосий мақсад шундан иборатки, ҳарбий ва армия хизматини ўтаган ёшларнинг барчаси ҳам жисмонан, ҳам маънавий соғлом, интеллектуал жиҳатдан етук, ҳаётдаги ўз ўрнини аниқ белгилаб олган, ҳар томонлама ишончли инсонлар бўлиб етишсин. Токи, ота-оналари улар билан фахрлансин, кичик фарзандларимиз улардан ўрнак олсин, Ўзбекистоннинг гўзал қизлари эса улар билан ўз тақдирини боғлашни орзу қилсин.

Бугунги қутлуғ байрам кунида Ватанимизнинг барча ҳимоячиларига мурожаат қилиб, қатъий ишонч билдираманки, Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатимизнинг муқаддас сарҳадлари, оналаримиз, умр йўлдошларимиз ва опа-сингилларимизнинг осойишта ҳаёти, болаларимизнинг келажагини, саховатли заминимиз ва мусаффо осмонимизни бундан буён ҳам мардона туриб ҳимоя қилади.

Сиз, азизларни, оила аъзоларингиз ва яқинларингизни Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан яна бир бор табриклайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, хизматингизда муваффақиятлар, шахсий ҳаётингизда фаровонлик, бахт ва омад тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони.**

## ШОНЛИ САНАГА БАҒИШЛАНДИ

**Мамлакатимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланмоқда. 13 январь куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ана шу шонли санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.**

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мудофаа вазири Қ.Ғуломов шонли сана ҳақида маъруза қилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида замонавий талаб ва андозаларга мос Қуролли Кучларимизнинг барпо этилиши, миллий армиямизнинг вужудга келиши истиқлол йилларида эришган муҳим ютуқларимиздан бири экани алоҳида таъкидланди. Зеро, миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир.

Юртимиз сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашга, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини мустаҳкамлашга, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, ихчам ва ҳаракатчан, тамоман янги миллий армиямиз ҳақли равишда халқимизнинг фахр-ифтихорига айланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов Ватан ҳимоячиларини анъанавий байрам билан самимий табриклади.

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 12 январдаги Фармонига мувофиқ Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Йиғилишда Ватаннинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан катта лейтенант И.Қурбонов ва старшина А.Иброҳимов ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида уч босқичдан иборат танлов ўтказилди. Биринчи босқич ҳарбий қисмлар, иккинчи босқич ҳарбий округлар бўйича ва учинчи босқич Қуролли Кучлар миқёсида ташкил этилди.

Танлов "Энг илғор сержант", "Энг илғор гуруҳ командири", "Энг илғор взвод командири" ва "Энг илғор батальон командири" йўналишлари бўйича ўтказилди. Йиғилишда ана шу танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Байрам тадбирида санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерти намойиш этилди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев қатнашди.

**ЎзА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• Кеча Тошкентда Халқаро Кураш Ассоциациясининг ўтган йил якунлари ва янги йилда ўтказиладиган мусобақалар тақвим режасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

**• Урганчда Республика Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази томонидан ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича Хоразм вилояти тажрибасини оммалаштириш мавзусида семинар ташкил этилди.**

**• Тошкентдаги «Турон» илмий-универсал кутубхонасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий учрашув ўтказилди.**

**• Аҳмад ал-Фарғоний номидаги Фарғона вилоят кутубхонасида янги зал очилмоқда. Унда китобхонлар АҚШ тарихи, фани, маданияти ва замонавий ҳаёти билан танишишлари мумкин.**

### Жаҳонда

**• Европа парламенти кўпчилик овоз билан Европа Иттифоқи Конституциясини қабул қилиш тўғрисидаги шартномани ратификация қилди.**

**• Фаластин мухториятининг янги раҳбари Маҳмуд Аббос Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш учун Исроил билан қайта музокаралар бошлаш лозимлигини маълум қилди. Шу мақсадда яқин кунларда Исроил Бош вазири Ариэл Шарон ва Маҳмуд Аббос ўртасида махсус учрашув уюштирилиши кўзда тутилмоқда.**

**• БМТнинг Атом энергияси бўйича халқаро агентлиги (МАГАТЭ) экспертлари махфий ядро қуроли дастури билан боғлиқ бўлиши мумкин дея гумон қилинаётган ҳарбий объектни кўздан кечириш мақсадида Эронга келдилар.**

# 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

## СОҒЛОМ ВА ТЕТИК ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

**Мамлакатимизда оммавий — ватанпарварлик тадбирлари қизғин давом этмоқда. Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши ва унинг туман бўлимлари томонидан ҳам режа бўйича қатор учрашувлар, давра суҳбатлари, ҳарбий қисмларга, музей ва зиёратгоҳларга экскурсиялар уюштирилмоқда.**

Ўтказилаётган барча учрашув ва тадбирлардан эса биргина эзгу мақсад кўзланган: ёшларни, бўлғуси Ватан ҳимоячиларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқ, юрт олдидаги муқаддас йигитлик бурчини адо этиш каби туйғуларни уйғотиш, Мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқларнинг қадрига етиш, асраб-авайлашни ўргатишдан иборатдир. Шу кунгача туман «Ватанпарвар» ташкилотлари томонидан 32 та ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги учрашувлар, 16 марта ҳарбий қисмларга чиқишлар, 52 марта Темурийлар тарихи, Қуролли Кучлар, Шонли Ватан тарихи, Шаҳидлар хотираси музей ва зиёратгоҳларига экскурсиялар уюштирилди. Жумладан, Миробод туманидаги 60,31,63-мактаб ўқувчилари билан Шаҳидлар хотираси майдони зиёрат қилинди, А.Икромов туманидаги 44,107,74,238,287-мактаблар бошланғич ташкилотларидан жами 60 нафар ўқувчиларнинг Шонли Ватан тарихи музейига ташрифи ташкил этилди. 32 марта ёшларнинг фахрийлар, байналмилал жангчилар, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари билан учрашувлари уюштирилди. 26 дан зиёд спортнинг техник ва амалий турлари, яъни авиамодел, автомобилни фигурали ҳайдаш, мерганлик, ҳаво жанги, картинг, мотоспорт ва бошқа қизиқарли спорт тадбирлари ўтказилди ва уларга 1000 дан зиёд ёшлар, вояга етмаганлар ва ҳарбий чақирилувчилар қамраб олинди.

Тадбирларнинг ўтказилишида Ҳамза, Миробод, А.Икромов, Тошкент бирлашган техника мактаби, Шайхонтоҳур ва бошқа туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлар фаоллик кўрсатдилар.

— Ушбу йўналишдаги ишлар йил бўйи «Ватанпарвар» ташкилотимиз томонидан олиб борилади, — дейди Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Нарзиддин Ризаметов. — Мақсадимиз соғлом ва тетик, жисмонан бақувват, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

## МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

**Маълумки, ҳар йили мамлакатимизда она юрт посбонлари куни кенг нишонланиб келинади. Зеро, юртдошларимизнинг тинч-тотув яшашлари, осмонимиз мусаффолиги айнан Ватан ҳимоячиларининг кунни кун, тунни тун демай сарҳадларимиз дахлсизлигини бедор қўриқлаётганларидандир.**



Бу йил республикамиз Қуролли Кучлари ташкил топганига 13 йил тўлади. Айни кунларда шу қутлуғ сана муносабати билан пойтахтимизнинг бир қатор туманларида оммавий ватанпарварлик тадбирлари, учрашувлар, хотира кечалари ўтказиб келинмоқда.



Ана шундай тадбирларнинг бири пойтахтимизнинг Бектемир тумани мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ташаббуси билан туман ҳудудидаги ҳарбий қисмда бўлиб ўтди.

Унда тумандаги барча мактабларда таълим олаётган чақирув ёшидаги ўқувчилар, «Ватанпарвар» ташкилоти фаоллари, туман «Камолот» ва халқ таълими бўлими мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбир давомида иштирокчилар ҳарбий қисмдаги ҳаёт билан яқиндан танишдилар, айниқса, Шон-шуҳрат музейидаги экспонатлар уларда катта таассурот қолдирди.

— Бугун қаторимизда юрган йигитларимиз эртага бўлғуси Ватан ҳимоячиларидир, — дейди «Ватанпарвар» ташкилоти туман кенгаши раиси Қурғонбой Холиқулов. — Шу боис бугунги тадбиримизга чақирув ёшидаги ўспиринларимизни жалб қилганмиз.

Дарҳақиқат, она Ватаннинг ҳар бир қаричини муқаддас билиш, уни асраб-авайлаш, бегона кўзлардан эҳтиёт қилишда ҳар биримиз бурчлимиз. Шу маънода фарзандни аввало оила қучоғида киндик қони тўкилган юртга нисбатан муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш ҳар давр учун мезон бўлиб келган. Зотан, ҳадиси шарифларнинг бирида «Ватанни севмоқ иймондандир» дейилганлигининг ўзи ҳам фикримиз исботидир.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, Бектемир туманида айнан шу маънавий масалалар доирасида қатор ижобий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ташаббуси билан ҳар йили вояга етмаган болалар ҳарбий тадбирларга жалб этилади. Унда келажак ворислари ҳарбий спорт оромгоҳларида ўзларини чиниқтиришади.

— Эртанги аскар бугунги аскардан фарқ қилиши керак, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими раҳбари Илҳом Алимов. — Чунки, кундан кунга Қуролли Кучларимиз сафи ҳар томондан етук ёшларимизга тўлиб бормоқда. Иккинчидан, йигитларимиз ҳозирданоқ замонавий ҳарбий қуроллардан, техникалардан фойдаланишни ўрганар экан эртанги кунга мард ватанпарвар, она тупроғимизнинг муносиб қўриқчилари етишиб чиқади.

Бир сўз билан айтганда, Бектемир туманида бўлиб ўтган мазкур тадбир ёшларнинг Ватаннинг нечоғлик муқаддас маъво эканлиги, унга фидойилик қилиш инсоний бурч, масъулиятлилиги борасида ўзига хос хулосалар чиқариб олишларида муҳим омил бўлди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ,**

**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ – ИТАЛИЯЛИК КУЗАТУВЧИЛАР НИГОҲИДА

**Рим халқаро маданият эркин гуманитар университети (LUMUCI) профессорлари Жузеппина Лаура Маджи ва Беглар Давид Таварткиладзе 2004 йил декабрида халқаро кузатувчилар сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёни билан танишган эдилар. Яқинда улар ўз фаолиятининг якунлари бўйича баёнот эълон қилишди.**

Италиялик олимларнинг таъкидлашларича, мазкур баёнот шахсий кузатувлар, йиғилган материаллар ва далиллар асосида тузилган. "Сайловларни кузатиш жараёнида биз маҳаллий кузатувчилар билан бир қаторда турли халқаро ташкилотлар ва ассоциациялар вакиллари билан ҳам фаол фикр алмашиб турдик. Сайлов кампанияси ҳақида тўла ва холис тасаввурга эга бўлиш мақсадида овоз беришгача бўлган, овоз бериш давомида ва ундан сўнгги жараёнларда турли ёшдаги ва турли ижтимоий гуруҳларга тегишли сайловчилар билан мулоқотда бўлдик".

Сайловлар куни италиялик экспертлар Бухоро вилоятидаги саккизта сайлов участкаларига ташриф буюришди. Улар орасида ҳарбий қисм ҳудудида ташкил қилинган сайлов участкаси ҳам бор эди ва кузатувчиларнинг таъкидлашича, бу ерга киришда улар ҳеч қандай муаммо ҳис қилишмаган. Экспертлар участкаларни очилиш ва ёпилишида, сайлов комиссияси томонидан овозларни санаб чиқиш ва овоз беришнинг якунларини чиқаришда қатнашиш имкониятига эга бўлдилар.

Италиялик кузатувчилар сайловчиларнинг юқори фаоллигига алоҳида эътибор қаратиб, "Сайловларда электоратнинг 85 фоиздан кўпроғи иштирок этгани аҳолининг сайлов жараёнига ишончидан далолат беради", деб фикр юритишган. Улар томонидан аниқланган баъзи бир жузъий камчиликлар тезда бартараф этилган ва кузатувчиларнинг фикрича, бундай ҳол фуқароларнинг эркин хоҳиш-иродa билдиришига жиддий таъсир ўтказмаган.

Д.Маджи ва Б.Таварткиладзе ўз баёнотида қуйидагиларни қайд этишни лозим топганлар: "парламент сайловларида халқаро кузатувчилар мақомида иштирок этиш тўғрисидаги қарор кутилаётган сайловлар ҳақида Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида уюштирилган салбий кампания ҳақиқатга тўғри келиш-келмаслигига ўша жойнинг ўзида ишонч ҳосил қилиш истагидан келиб чиқиб қабул қилинган эди. Биз баъзи бир мутасадди шахслар ва тизимларнинг ўта тенденциоз руҳдаги ва салбий баҳоларини... ҳали сайловлар ўтмасдан турибоқ улар ҳақида салбий ижтимоий фикр шакллантиришга бўлган уриниш, деб баҳолаймиз".

Италиялик кузатувчиларнинг бош хулосаси қуйидагича: "Ўзбекистон икки палатали парламентига сайловларнинг биринчи раунди амалдаги сайлов қонунчилигига мос тарзда ўтказилди, биз уларни эркин, адолатли, қонуний ва транспарент, деб тан оламиз".

**"Жаҳон" АА**

# ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

## ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** Бектемир туман Марказий кутубхонасида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ўтказилган адабий кеча «Мардлар қўриқлайди Ватанни» деб номланди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманида жойлашган ҳарбий қисмда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ўтказилган тадбирда намунали хизмат кўрсатаётган аскарлар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

● **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабалари «Маънавият куни» тадбири доирасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қошидаги Қуролли кучлар музейига, Ўзбекистон тарихи Давлат музейига саёҳат қилишди.

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги ҳарбий қисмда аскарлар иштирокида «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» мавзуида бошланган тадбир **БУГУН** ниҳоясига етди.

● **КЕЧА** Чилонзор туманидаги ҳарбий қисмда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб байрам тадбири ва концерт дастури уюштирилди.

● **ЖАНУБИЙ** Шарқий Осиёда юз берган табиий офатдан зарар кўрганларга ёрдам кўрсатиш мақсадида мамлакатимиз ҳукуматининг ташаббуси билан Тошкентдан Индонезияга инсонпарварлик юклари ортилган самолёт сафар қилди.

● **СИҲАТ-** саломатлик йилига армуғон сифатида шаҳримизда «Умид ишончи» тиббиёт маркази фаолият бошлади.

● **ТОШКЕНТ** юридик коллежида ёшларнинг онгига ватанпарварлик, мардлик туйғуларини чуқурроқ сингдириш мақсадида ўқувчилар ўртасида ўтказилган кўрик-танлов «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг мазкур коллеж бошланғич ташкилоти томонидан уюштирилди.

● **ЎЗБЕК-** япон инсон ресурслари маркази ташаббуси билан 50-мактаб-гимназияда ўқувчилар ўртасида рангли қоғоздан шакллар ясаш бўйича кўрик-танлов ўтказилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** киночилар уйида ўзбек киноижодкорлари томонидан суратга олинган «Орзулар қанотида» фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Агар нону сув билан ичингни тўлдириб олсанг юрагингга билим йўл тополмайди.

● Башар Хофий деди: «Агар очлик бозорда сотиладиган мато бўлса, оқил киши учун ундан яхшироқ сотиб оладиган нарса йўқ!»

● Бузургмехр айтади:

— Ёмон хотин аввало, ўғрига, сўнг эса душманга ва ҳокимга ўхшайди. Унинг ўғрига ўхшагани шунинг учунки, у эр молига хиёнат қилади, алдаб, номуносиб ишларга ишлатади, эрининг илтифот билан қилган яхшиликларини назарга илмайди ва менсимай қарайди, фақат ўзи учун наф келтирадиган нарсага интилади. Унинг душманга ўхшаши шу жиҳатданки у душман каби эрига доимо ковоқ солади, чиройини очмайди, эрни менсимайди, доимо гина қилади, ҳар ишдан айб топиб, хафа қилади. Унинг ҳокимга ўхшаши шу вақтданки, эрни доимо ўз фармонига амал қилган ҳолда кўришни истайди, уни бўйсундиришга ҳаракат қилади, уни ҳақоратлашни яхши кўради, арзимас нарса учун унга ғазабини сочади, эрнинг хафа ёки хушнудлигига парво қилмайди.

Яна айтди:

— Яхши хотинларнинг эрни иззат ва икром қилиши шундайки, улар ўз эрларининг оиладаги кирим-чиқимга рози бўладилар, етишмовчилик ва ғамлик кунларда эрига итоб қилмайдилар, кеча ва кундуз эр билан доимо муроса ва мадорада маслаҳат билан кун ўтказадилар!

● Эй ўғил, шундай кишилар билан дўст тутинки, улар ҳеч қачон сенга хиёнат қилмасинлар. Бундан ташқари, оғирлик кунларида сени танҳо қолдирмасинлар. Молингга мағрур, камбағаллингга ғамгин бўлма! Доно киши шундай кишики, бойликка маст бўлмайди, кулфатда хор бўлмайди.

● Киши учун ногаҳоний ўлим икки нарсадан келади: ортиқча бойлик учун интилишдан ва беъмани сўзларни кўп гапиришдан.

Мол-дунё тугайди, аммо яхши ишлар абадий қолади. Биров ер, биров бохар, қиёмат шунда кўпар.

● Инсоф энг яхши фазилатдир:

**Кимда инсоф бўлса у мард кишидир.**

Инсофсиз кишига ғам ҳамиша йўлдош бўлади. Мен сенинг қўлингдан тутсам, сен менинг оёғимдан тортасан.

**Ёмон кунда гина кўтарилади.**

**Зиёнкор гиёҳ боғдан юлиб отилади.**

● ҲИКОЯТ. Бир подшо ўз мол-мулкининг кўплигидан фахрланиб, илм аҳлини менсимай қўйган, ўз ихтиёрича иш тутиб, фисқу фужурга берилган эди. Бир куни у борига қаноат қилиб камтарлик йўлини тутган доно ҳакимга дуч келиб қолди ва унга:

— Эй ҳаким, нимани хоҳласанг тила, сўровингни муҳайё қиламан! — деди.

— Шундай қилгилки, ажал ҳеч қачон бошимга соя солмасин! — деди.

— Бу иш менинг қўлимдан келмайди, — деди подшо.

— Бўлмаса, — деди ҳаким, — қарилик мавсуми кетиб, ёшлик айёми қайтиб келсин!

— Бу иш ҳам қўлимдан келмайди! — деди подшо.

— Орамизда фарқ йўқ экан-ку, — деди ҳаким шунда, — мен қилолмайдиган ишни сен ҳам қилолмас экансан, аммо сенда мол-давлат кўп бўлгани учун кибр отига миниб, манманликка берилибсан. Мен эса топганимга қаноат қилиб; ҳеч кимга ялинмайман, демак мен ҳам ўзим учун подшоман!

# ANSHER CAPITAL — ЭНГ ЯХШИ ИНВЕСТИЦИЯ КОМПАНИЯСИ

**ANSHER CAPITAL (собиқ Carthill Assets Management Company) МЧЖ 2004 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши инвестиция компанияси деб тан олинди. Бу ҳақда Ansher Capital компанияси директорлари кенгашининг раиси Анвар Расулов "Туркистон-пресс"га маълум қилди.**

Унинг таъкидлашича, ҳар йили Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳамда Инвестицион институтлар миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда ўтказиб келинадиган "Ўзбекистон фонд бозорининг энг фаол иштирокчиси" танловида Ansher Capital "Энг яхши инвестиция компанияси" номинациясини қўлга киритди.

Ansher Capital ўтган йили Ўзбекистоннинг турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналари корпоратив облигацияларининг саккиз марта чиқарилишини ташкил этди, — дея таъкидлади А.Расулов. Бу Ўзбекистонда жами эмиссиялар ҳажмининг тўртдан бир қисми демакдир.

Яна бир янгилик шуки, бу ўтган йиллар ва Ansher Capital амалиёти давомида энг йирик чиқарилиш бўлиб, у "Амантайтау Голдфилдс" Ўзбекистон-Британия қўшма корхонасининг йиллик устама ставкаси 23 фоизлик 5 миллиард сўм миқдоридаги облигациялари эмиссиясидир.

Бунда облигацияларга бўлган талаб тахминан 10 миллиард сўмни ташкил этди, у фоиз ставкасини 25 фоиздан 23 фоизга пасайтириш имконини берди. Аммо банк депозитлари ёки давлат мажбуриятлари депозитлари 15 фоизлигини ҳисобга олсак, даромадлиликнинг бу даражаси ҳам етарли тарзда юқоридир.

Ansher Capital 2001 йилнинг ноябрь ойидан буён Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро эмиссия синдикати ташкилотчиси ҳисобланади. Халқаро эмиссия синдикати таркибига 6 та инвестиция институти ва 15 та тижорат банклари киради. Халқаро инвестиция синдикати бутун фаолияти давомида 19,32 миллиард сўмлик 25 та қимматли қоғозлар облигациялари эмиссиясини ташкил этди.

1999 йилдан буён Ўзбекистонда номинал қиймати 50 миллион доллардан ошувчи корпоратив облигацияларнинг саксончи чиқарилиши ўтказилди. Ундан 86 фоизининг даромадлилик ставкаси ўзгармас, қолганлариники ўзгарувчан бўлиб, у Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасига боғланган.

**"Туркистон-пресс"**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## МЕҲР-ОҚИБАТ ИНСОН БЕЗАГИ

Меҳр-оқибат, саховат — инсон безаги. Манманлик, такаббурлик эса бунинг акси. Бу ҳаёт бўстонида гўзал фазилатли одамлар кўп. Лекин вақтинчалик мансабига, бойлигига мағрурланиб кибру-ҳавога берилувчилар йўқ эмас, орамизда. Шундайлар ҳақида ўйлаганимда беихтиёр хаёлимда қуйидаги ривоят жонланади.

Қадим замонда бир ғариб, камбағал одам хасис, мутакаббир бойга эҳтиёжини арз қилиб ундан ёрдам сўрабди. Лекин манманликка берилган, одамгарчилик хислатидан бебаҳра бўлган қора кўнгил, бағритош бой ёрдам кўрсатиш ўрнига хизматчисига буюриб, у ғарибни ҳовлидан қувлаб чиқарибди. Бечора ғариб маъюс бўлиб бойнинг хонадонини тарк этибди.

Нобакор бойнинг бу иши натижасиз қолмабди. Замон ундан юз ўгирибди, ҳамма молу дунёси қўлдан кетиб паришон ҳолга тушиб қолибди. Ниҳоят иш шу даражага етибдики, у гадойлик кўчасига кирибди.

Унинг хизматчиси эса бошқа бир олижаноб, сахий ва давлатли одам уйида хизмат қила бошлабди. У олижаноб одам жуда ҳам кўнгли пок, шафқатли ва марҳаматли инсон экан. Бир куни кечқурун сахий одамнинг эшигини бир ғариб гадой очиб, хонадон эгаларидан бир парча нон садақа қилишни сўрабди. Гадойнинг юзлари очликдан оқарган эди, оёғида зўр-базўр турарди. Сахий одам гадойни кўриб хизматчисига:

— Бу дармонда ожиз одамга нон ва иссиқ овқат олиб чиқиб бер, кўнглини кўтар, — деди.

Хизматчи гадойга овқат олиб чиқиб берди-ю, дод-фарёд қилиб йиғлаб хожасининг ёнига келди. Сахий одам йиғининг сабабини сўраган эди, хизматчи шундай жавоб берди:

— Бу гадой менинг аввалги жуда бой-бадавлат хожам экан. Замоннинг зайли билан бутун давлати кетиб, паришон ҳолга тушиб қолибди. Унинг бу оғир ҳолатини кўриб, тоқат қила олмай йиғлаб юбордим.

Сахий одам айтди:

— Эй ўғил, бу залолат, тубанлик унга жафо эмас, ҳар ким ўзининг қилган ишига қараб мукофотини олади. Бу гадой ўша манфур бой, савдогар одам эмасми, жуда мағрур ва такаббурлигидан ҳеч кимни менсимас эди. Мен аввал унинг ҳозирги ҳолида эдим. Бир кун унинг ёнига бориб садақа сўрадим. У сенга буюриб мени уйидан қувлаб чиқарди. Энди замон уни менинг ўша кунимга туширди, мени ғамдан халос этиб, бахт-саодатга етаклади...

Қилмиш-қидирмиш деган гап ҳақ. Инсон табиат яратган жонзотларнинг энг олийси ҳисобланар экан, унга ҳамиша ҳурмат ва эҳтиром ила қарамоқ лозим. Бу ўткинчи дунё тасодифларга тўла. Вақтики келиб, биз ўзимиз ҳам оғир ҳолатларга тушиб қолишимиз эҳтимолдан ҳоли эмаслигини эсдан чиқармаслигимиз керак. Халқда «Мен ҳам эдим сенингдек, сен ҳам бўласан менингдек» деган гап бежиз айтилмаган.

## ЎРИНЛИ ЭЪТИРОЗЛАР

Транспортчиларга раҳмат, йўловчиларнинг вақтини тежаб, узоғини яқин қилиб турипшибди. Лекин шунга қарамай, ҳамон баъзи йўналишларда қатнайдиган транспортлар ҳаракатидаги тартибсизлик ҳақида таҳририятимизга газетхонлардан норозилик мактублари келиб турибди. Аслини олганда, йўловчилар учун барча қулайликлар яратилаётган, транспортлар сони кун сайин ошиб, янгиланиб бораётган бугунги кунда одамлардан бундай шикоятларни эшитиш ғайритабиийдек туюлади. Бироқ кузатувларимизда баъзи шикоятчиларнинг эътирозлари ўринли эканлигига ўзимиз гувоҳ бўлдик.

Бир мисол, Юнусобод ва 1-шаҳар касалхонаси оралиғида қатновчи 91-сонли автобус ҳаракати бир вақтлар шаҳримизда энг намунали ҳисобланарди. Ушбу йўналишда қатновчи машиналарнинг тартибли, тиғиз ҳаракатига ҳаммаҳнинг ҳаваси келарди. Билмадик, кейинги йилларда бу йўналишга кўз тегдими, ёки машиналар сони бироз камайиб қолдими, ҳар қалай бекатларда йўловчилар уни узоқ муддат кутадиган бўлиб қолишди.

Яқинда ўзимиз шу автобусга чиқмоқчи бўлиб «Олой» бозори олдидаги бекатга келдик. Кутдик, кутдик, машинадан дарак бўлмади. Бу орада 51, 38, 57, 60, 67-йўналишлар бўйлаб қатновчи автобуслар бир-икки марта, баъзилари уч бора келиб-кетди. Афсуски, 91 дан дарак бўлмади. Бекатдагилар билан суҳбатлашдик.

— Сизлар ҳам 91-автобусни кутяпсизларми?

— Худди шундай. Лекин у кейинги кунларда жуда кам юрадиган бўлиб қолди. Ҳар қалай қатнов олдингидагидек эмас.

— Айниқса аҳвол, кейинги вақтларда ёмонлашди. Бекатларда 15, 20 дақиқа кутиб қоляпмиз.

— Тиғиз вақтларда жуда тиқилинч бўлади. Баъзан ишга кечикиб турган пайтимизда автобусга чиқолмай қоламиз.

— Мен Юнусободнинг Шаҳристон бекатидан кейинги «Д-2» бекатида тураман, — дейди ўрта ёшдаги киши. — Шу бекат атрофида каттагина маҳалла ва бир неча тўққиз қаватли турар жой бинолари жойлашган. Бекат ҳамиша йўловчилар билан гавжум. Лекин кўпинча айниқса эрталабки тиғиз вақтларда автобус салони йўловчиларга лиқ тўлалиги сабабли машина тўхтамай ўтиб кетади. Кейин вақтдан ютқазиб иккинчи машина келишини узоқ кутиб қоламиз.

Бу гаплардан ушбу йўналиш бўйича қатнайдиган автобуслар ҳаракатида анча-мунча муаммо йиғилиб қолган кўринади. Ўйлаймизки, автобус саройи ва уларга раҳбарлик қиладиган мутасадди идоралар бу ҳақда ўйлаб кўришади ва йўловчиларнинг ўринли таклиф-истакларини инобатга олишади.

## БАҲС ФОЙДАЛИ БЎЛСА ЯХШИ

Тангангинг икки томони бўлганидек, баҳснинг ҳам икки томони — фойдали ва фойдасиз томонлари бор. Албатта биринчиси яхши, иккинчидан эса Худо асрасин. Нега дейсизми, бунинг мисоли сифатида ўтган йили Хумсонда дам олаётганимизда содир бўлган бир воқеани келтиришимиз мумкин. Уч-тўрт тенгкурлар дарё бўйида дам ола туриб баҳслашиб қолишди. Улардан бири кайф устида «Мен шу дарёнинг нариги чеккасига бемалол сузиб ўта оламан», деди. Шериклари «Ўтолмайсан» дея эътироз билдиришди. Йигитлар битта ошдан гаров ўйнашди. Йигит дарёга тушиб суза бошлади. Тез оқар сувнинг ярмига борганда тўлқинлар қаршилигига учраб, уларга дош беролмай тошдан тошга урилиб анча жойгача оқиб кетди. Кўпчилик бўлиб уни сувдан олиб чиқишди. Лекин вақт ўтган экан.

Яна бир мисол: чойхонада улфатчилик қилиб ўтирган йигитлардан бири бир килограммлик ошни бир ўзи ейишини айтиб қолди. Ўртада баҳс бошланди. Йигит ошнинг ярмисигача етиб бордида, қолгани томоғидан ўтмай ютқазди. Энг ёмони, кучли таомга унинг ички аъзолари дош беролмай касалхонага тушиб қолди. Жарроҳлар унинг ҳаётини зўр-базўр сақлаб қолишди.

Аслида баҳс яхши нарса. Лекин у таваккалчиликка эмас, балки бирор манфаатли, фойдали бўлса яхши. Акс ҳолда...

Шу ўринда беихтиёр одамлар тилида тез-тез такрорланиб турадиган бир ҳикоят ёдга келади. Эмишки, бир табиб хушманзара шаҳардан ўтиб кета туриб, шу гўзал масканда табибчилик қилмоқчи бўлиб, шаҳарнинг казоларидан сўрабди.

— Одамларингиз қай пайтда уйқуга ётиб, қай пайтда уйғонадилар? Улар ўртасида турли баҳс-мунозаралар бўлиб турадими?

— Бизнинг шаҳарликлар кеч ётиб, эрта уйғонадилар. Улар ўртасида тез-тез баҳслар бўлиб туради. Лекин уларнинг негизида эл корига ярайдиган янгиликлар, кашфиётлар ётади.

— Яна бир саволга жавоб берингчи, одамларингиз қандай овқатланишади?

— Қоринлари очмай овқатланишга ўтиришади, қоринлари тўймай қўл артишади.

Бу гапларни эшитган табиб хайр-маъзур қилиб: «Менга бу тоза, гўзал шаҳарда иш йўқ экан. Гапларингиздан маълум бўлдики, сизларда ҳамма одамлар соғлом, ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ экан», дея ўз йўлига равона бўлибди.

Қиссадан ҳисса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

*Бу ажиб дунё*

## ЧИВИН ФОЙДАЛИМИ?

Ғинғиллаб келиб қулоғингиз атрофида айланадиган чивинга ҳеч ким бефарқ қараган эмас. Шап-шап урасиз дарҳол. Шу кўзга кўринар-кўринмас махлуқ асабларингизни жунбушга келтиришга қодир. Буни қарангки, Австралиядаги Сидней университетининг биолог олимлари чивин юрак хасталикларини даволашда жуда ҳам фойдали бўлиши мумкинлигини айтмоқдалар. Олимларни чивиннинг оғзидан чиқадиган суюқлик ғоятда қизиқтириб қўйди. Бу суюқликда томирларни кенгайтирадиган ва қонни қуюлтирадиган, ҳали сира англанмаган модда мавжуд экан. Чивиннинг тупуги аспириннинг ўрнини босиши мумкин. Чивин чаққанда бекорга одамнинг териси дарров қичишмайди. Олимлар чивиннинг ана шундай заҳарини ўрганиб, ундан керакли шифобахш субстанцияни ажратиб олишга уринмоқдалар. Бу юрак хасталиги билан оғриганларга жуда мадад бўлар экан.

## СЕВИМЛИ ГЎШТ

Одамзот жуда ғалати-да. Дунёнинг у чеккасида яшайдиган қўй гўштини ҳаром деб емаса, бошқа бир чеккасида яшаётгани мол гўштини ҳаром деб еб бўлмайди деса, яна бир чеккасида яшайдигани эшак гўштини кўрса кўнгли айниса.

Кубада қўй гўшти еб бўлмайдиган гўштлар қаторига киради. У ерда қайтага эшак гўшти энг севимли гўшт ҳисобланади. Аммо уларнинг билганлари ҳам тўғри. Кубада юқорида келтирганимиздек эшакнинг меҳнати ҳам, гўшти ҳам ҳалол. Лекин уларда энг азиз меҳмонни қурбақа билан сийлашади. Бунинг учун махсус қурбақа боқадиган фермерлар уюшмалари бор. Эшак гўшти ҳам ана шундай фермаларда етиштирилади.

## ОПЕРАЦИЯ СТОЛИДА... ФИЛЧА

Шри-Ланкалик бир гуруҳ жарроҳлар Полоинарува шаҳри марказий касалхонасида бир филчани муваффақиятли операция қилдилар. Деярли нафас олмаётган бу касални ўрмондан топиб олган бир неча деҳқонлар касалхонага олиб келишганди. Текшириш натижасида дўхтирлар филча оғир ярадорлигини, унинг ошқозонидаги тўқималар жароҳатланганлигини аниқладилар. Филча уйқу дори ёрдамида операциядан муваффақиятли чиқди.

Намибия пойтахтидаги ҳайвонот дўхтирлари эса сувда ва қуруқликда яшовчи тошбақани роппа-роса уч соат операция қилишиб, ҳаётга қайтаришди. Унинг ичига қум тўлиб қолган эди. Дўхтирлар аввал тошбақа косасини тешиб «дераза» очдилар, сўнг ичакни тиббий йўл билан ювишди. Бу ишларнинг барини тошбақага наркоз берилгандан сўнг бажарилди ва муваффақиятли ўтди.



*Мурувват*

## ЯХШИЛИК — УМР НАҚШИ

**Болажонлар бир йил давомида соғиниб кутганлари —Қорбобою Қорқиз билан ҳеч хайрлашгилари келмайди. Шунинг учун ҳам эртак қаҳрамонларини ёнларига олганча кўнгилларни бир олам шодликка тўлдириб Қорбоболар шаҳримиз кўчалари, маҳалла ва хонадонларда совғаларини улашганча ҳамон кезмоқдалар.**

Чилонзор туманидаги «Кичик Дўмбиробод» маҳалласида ҳам фуқаролар йиғини раиси Комилжон ака Қаюмов бошчилигида фаоллар бир эзгу ишга қўл уришди. Ҳудуддаги бетоб, юролмай қолган ногирон 27 нафар болажонларнинг уйларига ўрмон маликаси-ю Қорбобони меҳмонга жўнатишди. Албатта меҳмонлар совға-салом солинган қопларини ҳам олиб боришни унутишмади.

— Маҳалламиз алоҳида бўлиб ташкил топганига атиги бир йил ўтди. Ушбу вақт ичида озми-кўпми хайрли ишлар қилишга, айниқса болажонлар кўнглини кўтариш, ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак беришга интилдик, — дейди биз билан суҳбатда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комилжон ака Қаюмов. — Сиҳат-саломатлик йилини ҳам эзгу, хайрли ниятлар билан бошладик. Аҳолининг саломатлиги, болажонларнинг жисмонан ва маънан баркамол бўлиши, юртимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги хизматлардан асло чарчамаймиз.

Ҳа, яхши ният — ярим давлат деб бежизга айтилмаган. Тақдир тақозоси билан ногирон бўлиб дунёга келган болажонлар кўнглини кўтариб, меҳр-мурувват кўрсатаётган, яхшиликни дилига жойлаган инсонларнинг эса омадлари кулсин.

**(Ўз мухбиримиз)**

## “ПАХТАБАНК”НИНГ ХУСУСИЙ САРМОЯСИ ОШМОҚДА

**Пахтачилик соҳасини кредитлашга ихтисослашган “Пахтабанк” акциядорлик-тижорат банкининг хусусий сармояси 2004 йил мобайнида 11,5 фоизга, яъни 51,297 миллиард сўмга ошди. Бу ҳақда “Пахтабанк” бошқаруви раисининг ўринбосари Абдураҳмат Боймуротов маълум қилди.**

А.Боймуротовнинг айтишича, банкнинг низом сармояси ўтган йили бир миллиард сўм ҳажмидаги акцияларнинг тўққизинчи эмиссияси ҳисобига 8,7 фоизга – 11,5 миллиард сўмдан 12,5 миллиард сўмга кўпайди.

“Пахтабанк”нинг низом сармояси 12,35 миллион оддий акциялар ва 150 минг дона имтиёзли акцияларнинг жойлаштирилиши билан таъминланди. 76 минг 669 акциядор ушбу акцияларнинг соҳиблари ҳисобланади.

Юридик шахслардан “Ўзпахтасаноат” уюшмаси (низом сармоясининг 5,6 фоизи) ва “Ўзқишлоқкимё” давлат акциядорлик компанияси (1,33 фоиз) энг кўп акциялар пакетига эгалик қилаётир.

2003 йилнинг якунларига кўра, “Пахтабанк”нинг оддий акцияларига номинал қийматининг 30 фоизи миқдорида дивидент тўланди, имтиёзли акциялар учун фоиз миқдори 60 фоизни ташкил этди. “Пахтабанк” активлари 2004 йил мобайнида 46 фоизга камайди, банк кредит портфели 26,2 фоизга – 154,187 миллион сўмга ошди.

Таъкидлаш керакки, банк мажбуриятлари ўтган йилда 8,2 фоизга – 187,634 миллиард сўмга камайди. Шундан 68,399 миллиард сўми унинг мижозлари қолдиғига тўғри келади.

“Пахтабанк” АТБ 1995 йилда ташкил топган бўлиб, у хусусий сармояси миқдорига кўра Ўзбекистонда учинчи, активлар ҳажмига кўра эса тўртинчи молиявий институт ҳисобланади.

Банк 13 та ҳудудий бошқарув,183 та филиалга эга бўлиб, 244 минг мижозга хизмат қилади. Шулардан 183,5 минги жисмоний шахслар ҳисобланади.

**“Туркистон-пресс”**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

# ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

## 2005 йил 17 январдан бошлаб

**Зарқайнар кўчаси, Эски Жўва майдонининг қайта таъмирланиши муносабати билан, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ автобуслар ва микроавтобусларнинг йўналишлари қуйидаги тартибда ташкил этилади:**

—№№ 27, 62, 4м, 12 м, 24 м, 54 м — ҳар иккала йўналишда Самарқанд Дарвоза кўчасидан бошлаб А.Навоий кўчаси бўйлаб «Чорсу савдо маркази» автошоҳбекатига қадар;

— № № 32, 47, 132, 183 — ҳар иккала йўналишда Фурқат кўчасидан бошлаб А.Навоий, Беруний, Б.Зокиров, Эски Уйғур кўчалари бўйлаб «Уйғур кўчаси» бекатлар мажмуасига қадар;

— № 109 — ҳар иккала йўналишда Қорасарой кўчасидан бошлаб Ҳ.Асомов, Ғ.Ғулом, А.Навоий, Беруний, Б.Зокиров, эски Уйғур кўчалари бўйлаб «Уйғур кўчаси» бекатлар мажмуасига қадар;

— № № 112, 123, 2 м, 7 м — ҳар иккала йўналишда Ғ.Ғулом кўчасидан бошлаб А.Навоий, Беруний, Б.Зокиров, Эски Уйғур кўчалари бўйлаб «Уйғур кўчаси» бекатлар мажмуасига қадар;

— № 118 — ҳар иккала йўналишда Сағбон кўчасидан бошлаб Форобий, А.Содиқов, Беруний, А.Навоий кўчалари бўйлаб «Чорсу савдо маркази» автошоҳбекатига қадар;

— № 128 — Форобий кўчасидан бошлаб А.Содиқов, Беруний, А.Навоий кўчалари бўйлаб «Чорсу савдо маркази» автошоҳбекатига қадар битта йўналишда, қайта йўналишда эса «Чорсу савдо маркази» автошоҳбекатидан бошлаб А.Навоий, Беруний, Усмонхўжаев, Форобий кўчалари бўйлаб ва бундан кейин ўз йўналиши бўйича;

— № 147 — ҳар иккала йўналишда Беруний кўчасидан бошлаб А.Навоий кўчаси бўйлаб «Чорсу савдо маркази» автошоҳбекатига қадар;

— № 53 м — ҳар иккала йўналишда А.Навоий кўчасидан бошлаб Беруний, Б.Зокиров, эски Уйғур кўчалари бўйлаб «Уйғур кўчаси» бекатлар мажмуасига қадар;

— № 9 — ҳар иккала йўналишда А.Қодирий кўчасидан бошлаб Ғ.Ғулом, А.Навоий кўчалари бўйлаб «Чорсу савдо маркази» автошоҳбекатига қадар.

— № № 42, 111, 3 м — ҳар иккала йўналишда Қорасарой кўчасидан бошлаб Ҳ.Асомов, Ғ.Ғулом, Фурқат кўчалари бўйлаб ва бундан кейин ўз йўналишлари бўйича;

— № 43 — Қорасарой кўчасидан бошлаб Ҳ.Асомов, Ғ.Ғулом, А.Навоий кўчалари бўйлаб ва бундан кейин битта йўналишда ўз йўналиши бўйича;

— № 65 — ҳар иккала йўналишда Сағбон кўчасидан бошлаб Форобий, А.Содиқов, Беруний, А.Навоий, Ғ.Ғулом, А.Қодирий кўчалари бўйлаб ва бундан кейин ўз йўналиши бўйича;

— № 76 — Форобий кўчасидан бошлаб А.Содиқов, Беруний, А.Навоий, Фурқат кўчалари бўйлаб битта йўналишда, қайта йўналишда эса Фурқат, А.Навоий, Беруний, Усмонхўжаев, Форобий кўчаларидан ва бундан кейин ўз йўналиши бўйича;

— № 35 м — ҳар иккала йўналишда Сағбон кўчасидан бошлаб Форобий, А.Содиқов, Беруний, А.Навоий, Фурқат кўчалари бўйлаб ва бундан кейин ўз йўналиши бўйича.

**«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ.**

# ТОШКЕНТ ШАҲРИ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1. «Тошиссиққуввати» ИЧБ маълум қиладики, электр энергияси, табиий газ ва сотиб олинадиган иссиқлик учун нархлар ва тарифларнинг бир неча марта ошганлиги муносабати билан, 2005 йил 1 февралдан бошлаб корхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергиясига тариф ҚҚСсиз 8 415,0 сўм/Г кал миқдорида ва ҚҚС билан 10 098,0 сўм/Г кал миқдорида белгиланди.

**АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!**

2. «Тошиссиққуввати» ИЧБ Тошкент шаҳри аҳолисининг эътиборига шуни етказадики, электр энергияси, табиий газ ва сотиб олинадиган иссиқлик учун нархлар ва тарифларнинг бир неча марта ошганлиги муносабати билан, 2005 йил 1 февралдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тариф (нарх)-лар белгиланади:

марказий иситиш — 146,0 сўм/м² ой (турар жой майдони);
иссиқ сув таъминоти:
— ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда — 1,924,0 сўм/киши/ ой
— умумий чўмилиш хонасига эга ётоқхоналар учун — 965,0 сўм/киши/ ой;
— ҳисобга олувчи асбоблар бўлган тақдирда — 443,0 сўм/м³ ой меъёр (3,2 м³ киши) чегарасида, меъёрдан ортиқ истеъмол қилинганда 503,0 сўм/м³ ой.

## «02»: ҲОДИСАЛАР

Фуқаро Беляев Яккасарой туманида жойлашган уйида, ундан ташқари укаси ва унинг турмуш ўртоғи Беляевалар рўйхатда туришини била туриб, таниши — Қашқадарё вилояти фуқароси Пўлатовга ўзидан бошқа ҳеч ким бу уйда яшамаслигини айтиб, ишонтириб, нотариус орқали хонадонни 2700 АҚШ долларига унинг номига расмийлаштирган.

Кейинчалик бу ҳолат Пўлатовга маълум бўлиб, у Беляевдан ўз пулларини қайтариб беришни сўрагач, қайтариб ололмагач эса ички ишлар идораларига мурожаат қилишга мажбур бўлган. Ушбу фирибгарлик ҳолати бўйича жиноий иш қўзғатилган.

● Ҳеч қаерда ишламайдиган Фарғона вилояти фуқароси Тешабоев Қозоғистон Республикаси фуқаролари Ражметова ва Жалиловаларга доимий рўйхатга киришларига ёрдам беришини айтиб ишонтириб, уларнинг 100000 сўм пулини олиб, қайтариб бермаган. Фирибгарлик ҳолати юзасидан жиноий иш қўзғатилган.

● Самарқанд вилояти фуқароси Эшбеков таниши бўлмиш Қашқадарё вилояти фуқароси Суюновнинг ишончига кириб, вақтинчага «Самсунг» уяли телефонидан фойдаланиб туришини сўраб, олиб қайтариб бермаган.

● Ҳеч қаерда ишламайдиган Фозилжонов, олдин судланган ва ҳеч қаерда ишламайдиган Рўзиев ва Фозиловлар ўзаро тил бириктириб, фуқаро Тухтаровнинг уйида унинг ишончига кириб ва унга 70 форматли оқ қоғоз топиб беришларини айтиб ундан 1.480000 сўм пулини олиб қайтариб беришмаган. Ҳозир бу иш бўйича жиноят иши қўзғатилган.

● Фуқаро Бунковскаянинг уйида унинг ишончига киргач, ҳеч қаерда ишламайдиган Жданов, унга бир соат ичида компьютер олиб келаман деб 200 АҚШ долларини олиб кетиб, қайтариб бермаган.

● Ҳеч қаерда ишламайдиган Қосимова бир нечта фуқароларни алдаб, уларни ишлагани Малайзияга кетишларига ёрдам беришини айтиб, ишончига кириб, улардан ҳужжатларини олиб қалбаки виза тўғрилаб, ишонтириб юрган. Кейинчалик Қосимованинг ушбу фирибгарлиги маълум бўлгач, унинг устидан жиноий иш қўзғатилди. Ҳозирги вақтда бу аёлнинг яна бошқа шунга ўхшаш қинғир ишларини аниқлаш мақсадида тергов олиб борилмоқда.

● Пойтахт Йўл патруль-хизмати ходимлари томонидан, ҳеч қаерда ишламайдиган Алматов бошқарувида бўлган «ГАЗ-3102» автомашинаси тўхтатилиб, текширилганида, унинг йўловчиси ҳеч қаерда ишламайдиган Анорбоев ҳам бўлган, автомашинанинг юк жойи ҳамда салонидан «DUYAO» маркали умумий қиймати 3 миллион 500 минг сўмни ташкил қиладиган 480 дона эркаклар свитерлари топилган. Уларнинг ҳужжатларини текшириш давомида аниқланишича, ушбу товарларни чегарадан олиб ўтмоқчи бўлган шахслар, божхона назоратини четлаб ўтиб, бу билан божхона декларациясини бузиб, пойтахт бозорларига кириб олиб бу товарларни пуллашга ҳаракат қилмоқчи бўлганлар.

**Юлдуз АШИРОВА,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази катта инспектори, майор.**

## ЧАРХИЙНИНГ БИРИНЧИ РОЛИ

**Тарихий ҳангома**

Қўқонда Чархий деган ажойиб шоир ўтган. У киши ювошларнинг ювоши, одоблиларнинг одоблиги эдилар. Ўша вақтда Қўқонда ишқий ғазаллар битишда, хусусан, ҳажвий шеърлар ёзишда бу одамнинг олдига тушадиган шоир камдан-кам эди. Кабутардай беозор, фариштадай пок бу одам саҳнада босқинчи шоҳнинг собиқ жангчиси ролида чиққан. Тўғрироғи, уни шу ишга мажбур қилишган.

Воқеа бундай бўлган: бир куни Анбар отиннинг набираси ғазалнавис Ҳузурий шоир Муқимий ҳужрасини (мадраса-музейини) зиёрат қилгани киради. Ўша вақтда бу мадраса-музейга Чархий домла бошчилик қилар эканлар. Ошналар уёқ-буёқдан гаплашиб ўтирадилар. Шоир Чархийнинг суҳбатлари ҳазил-мутойибасиз, аскиясиз ўтмас эди. Гап айланиб, Чархий домланинг саҳнада роль ижро этганига келиб тақалади.

— Қани, Асқарали ака, (Чархий домланинг исмлари Асқарали эди) артист бўлганингизни бир айтиб беринг, — дейди ҳазилкаш шерикларидан бири.

— Э, қўйинг, эслатманг, — дейдилар домла Чархий андак хижолат чекиб.

Биз домлани жон-ҳолига қўймадик. У киши ноилож ҳикоя қилиб бердилар:

— Уруш даврида Қўқон театрида адабий эмакдош бўлиб хизмат қилардим. Кўп эркак санъаткорлар урушга сафарбар қилинган. Эркак артистлар етишмаслиги туфайли театр ёпиладиган ҳолга келиб қолган эди. Театрни оёққа турғазиш учун бир «ишбилармон» одамни директор қилиб юборишди. Янги директор аҳволни ўрганиб чиқиб, жамоани йиғиб мажлис ўтказди.

— Аҳвол оғир. Чунки интизом бўшашиб кетган, — деди у. — Эркак артистлар етишмайди дейсизлар. Бўлмаган гап. Мен аҳволни ўрганиб чиқдим. Ижодлар ҳам, ишчи кучлар ҳам етарли. Уларни саҳнага сафарбар этиш керак. Мана, ўрток Георгиадини олиб кўрайлик. Миллати юнон бўлган бу одам театримиз устахонасида чевар бўлиб ишлайди. Бичиш-тикишни кундузи қилиб, кечқурун саҳнага чиқсин. Ўзбек тилида чала-чулпа гапирса ҳам майли.

Георгиади эътироз билдирмоқчи эди. — Баҳонани қўйинг, — деди янги директор уни қайириб ташлаб. — Ҳеч кам онасининг қорнидан артист бўлиб тушмайди. Саҳнада очилиб кетасиз. Раҳбар бир нарса деганда хўп денг. Гап тамом-вассалом...

— Хўш, Ҳамроалиев Чархий... Ким бу киши?

— Мен, — деб ўрнимдан турдим.

— Илгари чархчилик қилганмисиз? Ҳозир нима иш қиласиз?

— Адабий эмакдошман.

— Ие, театрда шунақа иш ҳам бўладими... Уруш вақтида адабий эмакдошга бало борми? Эртадан сиз ҳам саҳнага чиқасиз... Гап тамом-вассалом.

Янги бошлиққа гап қайтаришнинг фойдаси йўқ эди. Негаки, у адабий эмакдошнинг вазифасини ҳам тушунмас экан. Эртасига саҳнага чиқишга тўғри келди. Аллақайси тарихий драмада шоҳ аскарлари бўлиб чиқишимиз керак... Олдинда новча, барваста Георгиади, кетидан мен каминангиз озғин, кичкина, қиличларимизни яланғочлаб: «Биз шавкатли шоҳнинг ғолиб аскарларимиз» деб қўшиқ айтиб, қилични қинига солиб саҳнадан чиқиб кетишимиз керак эди. Бизлар чиқиб кетгандан кейин саҳнадаги асосий қаҳрамонлар гапларини давом эттиришлари лозим эди. Биз жанговар қўшиқ айтиб саҳнани айландик. Шеригим, Георгиади қиличини қинига солиб чиқиб кетди... Мен камина қиличимни ҳеч қинига сололмайман-да... Уввало уринаман, қани энди қилич қурғур қинга кирса... Тўғри чиқиб кетай десам режиссёрдан балога қоламан. Гапларини аллақачон бошлаши керак бўлган қаҳрамонлар ўзларини қаерга қўйишни билмай туришибди. Қиличимни қинга сололмай хуноб бўлиб турган эдим, шу пайт залдан:

— Нима бало, Чархий домла, ичиб олганмисиз, деган овоз келди.

Бундай қарасам чайқовчи Нормат экан. Туҳматга чидаб туролмадим.

— Ичганимни ҳеч кўрганмисан такасалтанг, — деб бақирдим саҳнадан.

Залда кулги кўтарилди.

— Кўзингни каттароқ оч! Қин қиличдан кичкина бўлса нима қилай...?

Залда яна кулги кўтарилди.

Янги директор шундан кейин мени саҳнага йўлатмай қўйди.

Бу Чархийнинг биринчи ва сўнгги роли эди.

**Туроб АКБАРХЎЖАЕВ**

*Бўш вақтингизда*

## КРОССВОРД

**Диагоналлар бўйича**: 1. Қадимда Ватанимизда етиштирилган ўртача катталикдаги чопқир, чидамли от зоти. 2. Шри-Ланка давлати пойтахти, порт шаҳар. 3. Кўпиртирилган тухумга ун ва шакар қориб пиширилган егулик. 4. Тақинчоқ, зийнат буюми. 5. Танани ўқ зарбидан ҳимояловчи жанг либоси. 6. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг набираси, ҳукмдор. 7. Сув кучи билан ҳаракатланувчи шоли оқлаш иншооти. 8. Табобатнинг соғлиқни сақлаш чора ва қоидаларини ишлаб чиқадиган бўлими. 9. Кулгили саҳна асари. 10. Маълум бир жамоа аъзолари амал қилиши лозим бўлган қоида. 11. Ҳаракатни бир маромда сақлаб турувчи асбоб. 12. Абу Райҳон Беруний асари. 13. Дераза юқорисидаги токча. 14. Бир миллат, бир дин ва бир мазҳабга мансуб халқ. 15. Ғафур Ғулом қиссаси. 16. Ижодкорга бажарган иши учун тўланадиган ҳақ.



### Чистон — муаммономаси

**Очқич сўзлар:** 1. Маърифатпарвар шоир Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли — Муқимий асари — 16,1,15,17,1,6,9,4,11,1.

2. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони қаҳрамони — 10,1,21,11,1,2,16.

3. Туйилган жўхоридан пиширилган суюқ таом — 18,19,7,1.

4. Темир йўл транспорти сақланадиган ва таъмирланадиган маскан — 5,12,13,4.

5. Шамсия йили ҳисобидаги тўққизинчи ойнинг арабча номи — 20,1,8,16.

6. Рангли металл — 11,3,16.

7. Маҳсулотнинг пул билан ифодаланган қиймати — 14,1,17,4.

8. Баҳор ойи — 11,1,23.

Энди очқич жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларда ифодаланган муаммономани ҳал этинг. Улардан икки мисрали чистонни ўқийсиз. Ана шу чистон жавобини топинг-чи!

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 7 январь сонида берилган кроссворднинг жавоблари**:

**Энига**: 7. Карнайгул. 11. Касб. 14. Олча. 15. Муродов. 16. Лимит. 17. Морзе. 21. Чиғатой. 22. Юмор. 23. Азим. 27. Проводник.

**Бўйига**: 3. Драп. 4. Узук. 9. Эскалатор. 10. Планеризм. 12. Рубидий. 13. Боботоғ. 19. Савдо. 24. Крат. 25. Чили.

**Бўйига ва ёйлар бўйича**: 1. Эстакада. 6. «Насарин». 18. Адьютант. 20. Розмарин.

**Энига ва ёйлар бўйича**: 1. Эскадрон. 6. Нептуний. 28. Вертолёт. 29. Доғистон.

**Ёйлар бўйича**: 2. Корт. 5. Прус. 26. Амал. 30. Рахт.




**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2865 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-208.

1 2 3 4 6